



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 6, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети


1. Севара Пулатова ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (Ғарбий Европа ва АҚШ тарихшунослиги методлари асосида).....	4
2. Дилафруз Атамуратова ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Норпулат Аҳмеджанов ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	16
4. С.И. Габриэлян XIX АСР ОХИРИ КОНСЕРВАТОРЛАР ДАВРИ ЭРОНИДА АНГЛИЯ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	21
5. Шахноза Касимова МУЗЕЙ КОММУНИКАЦИЯСИ БАДИИЙ ВА ЭСТЕТИК РИВОЖЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСИ СИФАТИДА.....	31
6. Қобулжон Насритдинов СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ СИЁСАТИГА БЎЙИНСУНДИРИЛИШИ ТАРИХИДАН (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....	36
7. Эркин Раджапов ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҲАРБИЙ СИЁСАТИ ВА “МУСУЛМОН ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРИ”.....	44
8. Гавҳар Турсунова РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ЖАРАЁНИДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИ ОЛИБ БОРГАН МАЪМУРИЙ-СИЁСИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	57
9. Nodira Shermatova ABU NASR FAROBİY FALSAFASIDA BILISH KATEGORIYALAR.....	70
10. Fotima Shirinova, Zumrat Kasimova MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA MA'NAVIY – MADANIY TARAQQIYOT.....	76
11. Бахтиёр Халмуратов ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК: ЭТНИК ВА ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАР.....	82
12. Xurshid Egamqulov XALQ XIZMATIGA BANSHIDA UMR (Jizzax “Milliy ittihad” sho‘basi a’zosi Orifjon Olimjonov haqida).....	86



Норпулат Ахмеджанов,
Жиззах вилоят педагогларни янги
методикаларга ўргатиш миллий
маркази катта ўқитувчиси

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

For citation: Norpulat Akhmedjonov, RESEARCH OF HISTORICAL AND CULTURAL MONUMENTS IN JIZZAKH REGION. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 2, pp.16-20

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7680638>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида маданий меросни сақлаш, асраш, таъмирлаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг долзарблиги ёритилган. Жиззах вилоятидаги моддий маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш, унинг кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни амалга ошириш лозимлиги таъкидланган. Маданий мерос объектларининг тарихи, ўрни ва имкониятларини кенг ўрганишга йўналтирилган. Жиззах вилояти тарихи, табиати, географик қулай жойлашуви билан туризмда ўзига хос ўрин эгаллаши, вилоятнинг туристик имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш масалалари, сайёҳларни кенг жалб этиш бўйича истиқболли лойиҳалар, соҳада инновацион ғояларни амалга ошириш ҳамда барча турдаги зарурий хизматларни кўрсатишга оид таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Маданий мерос объектлари, музейлар, тамойиллар, муҳофаза қилиш, Жиззах воҳаси, Зомин, Дизак, Кампирдевор қолдиқлари, Кўрғонтепа.

Норпулат Ахмеджанов,
старший преподаватель Республиканского
центра подготовки учителей по новым
методикам Джизакской области

ИЗУЧЕНИЕ ПАМЯТНИКОВ ИСТОРИИ И КУЛЬТУРЫ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается актуальность сохранения, консервации, ремонта и рационального использования культурного наследия в развитых странах мира на сегодняшний день. Подчеркивается, что необходимо провести работу по рациональному использованию объектов материального культурного наследия в Джизакской области, его сохранению в объектах недвижимости. Сосредоточен на всестороннем изучении истории, места и возможностей объектов культурного наследия. Джизакская область занимает уникальное

место в туризме со своей историей, природой, географически выгодным расположением, вопросами более широкого использования туристических возможностей региона, перспективными проектами по привлечению туристов, реализацией инновационных идей в данной области и предоставлением всех видов необходимых услуг.

Ключевые слова: Объекты культурного наследия, музеи, принципы, охрана, Джизакский оазис, Зомин, Дизак, остатки Кампирдевова, Кургантепа.

Norpulat Akhmedjonov,
senior teacher of the National
Center for Training Teachers in
New Methods of Jizzakh Region

RESEARCH OF HISTORICAL AND CULTURAL MONUMENTS IN JIZZAKH REGION

ABSTRACT

This article examines the relevance of the preservation, conservation, repair and rational use of cultural heritage in the developed countries of the world today. It is emphasized that it is necessary to carry out work on the rational use of objects of material cultural heritage in the Jizzakh region, its preservation in real estate objects. It focuses on a comprehensive study of the history, location and possibilities of cultural heritage sites. The Jizzakh region occupies a unique place in tourism with its history, nature, geographically advantageous location, issues of wider use of the tourist opportunities of the region, promising projects to attract tourists, the implementation of innovative ideas in this area and the provision of all types of necessary services.

Index Terms: Cultural heritage objects, museums, principles, protection, Jizzakh oasis, Zomin, Dizak, remains of Campirdevor, Kurgantepa.

1. Долзарблиги:

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида маданий меросни сақлаш, асраш, таъмирлаш ва ундан оқилона фойдаланиш ўз долзарблигини оширмоқда, дунё халқлари тарихи ва маданиятини чуқурроқ англашда улкан аҳамият касб этмоқда. Маданий мерос объектлари ва музейлар кенг қамровли жиҳатларга эга бўлиб, сайёҳлик тизимида асосий ва муҳим ўрин эгалламоқда.

Жаҳоннинг йирик музейлари, илмий тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида маданий мерос объектлари ва музейлар тарихига оид масалаларни ҳар томонлама ўрганиш устивор илмий йўналишлардан бири саналади. Музей тарихи, шаклланиши, фаолияти, фондлари, экспозицияларини яратиш, музей коллекцияларини сақлаш, таъмирлаш, намойиш этиш билан бир қаторда музейнинг янги илмий концепциясини яратиш каби масалалар олиб борилаётган илмий тадқиқотлар характерини белгилайди.

Юртимизда сўнгги йилларда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, жумладан моддий маданий мерос соҳасида давлат назоратини амалга ошириш, моддий маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида асрашга доир ишларни амалга ошириш, шу билан бирга музейлар соҳасида музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантиришга доир ишларни амалга ошириш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Зеро, «Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир»[1]. Бу эса моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, музейлар фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш орқали моддий маданий мерос соҳасидаги давлат назоратини тубдан такомиллаштиришда асосий омил саналади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Ушбу илмий тадқиқот Ўзбекистон

Республикасида қабул қилинган музейлар, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳамда туризм тўғрисидаги қонунлар, фармонлар ва қарорларда белгиланган вазифаларни амалда тадқиқ этиш, музейшунослик ҳамда тарихий-маданий ёдгорликларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳалари бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўзбек маданий меросини дунё жамоатчилигига тарғиб этишдек устивор йўналишларига мослиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда аждодларимиз яратган маданий меросни тиклаш ва сақлаш муҳим вазифа эканлигини таъкидлаш жоиз.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон Республикасининг ижобий имиджини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг музей тўпламларидаги бой тарихий ва маданий меросини кенг тарғиб қилиш[2], санъат, маданият ва тарих соҳасидаги барча музейлар фаолиятини илмий-тадқиқот ва методик жиҳатдан мувофиқлаштириш, ихтисослаштирилган илмий кенгашлар ва илмий-методик кенгашлар ташкил этиш[3] ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга алоҳида вазифа белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли фармонида ҳам «Ўзбекистон халқининг умуммиллий қадрияти бўлмиш маданий ва археология мероси объектларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш тизимини такомиллаштириш»[4] га алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда маданий мерос объектлари ва музейлар тарихи масалалари қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Жумладан, Жиззах воҳасининг тарихий-маданий ёдгорликларини асраб-авайлаш ва музейлаштириш масалаларига оид бир қанча илмий изланишлар ҳамда илмий тадқиқот материаллари ва археологик экспедиция ҳисоботлари мавжуд бўлиб, улар мавзунини ўрганиш ва ечимини топишда яқиндан ёрдам беради. Бу борада дастлабки тадқиқотлар У. Алимов, А.Бердимуродов, М. Пардаев[5], Л.Сверчков[6], [7] А.Грицина[8], [9], [10] каби йирик олимлар томонидан амалга оширилган.

Ҳозирги кунда юртимизда туризм соҳаси ривожига Жиззах вилояти тарихи, табиати, географик қулай жойлашуви билан ўзига хос ўрин эгаллайди. «Буюк ипак йўли» Жиззах воҳаси ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётига ижобий таъсир ўтказган. Бу борада тарихий манбаларда савдо қарвонлари қуйидаги асосий йўналишлар: Хитой-Шарқий Туркистон-Чоч-Дизак (Жиззах); Хитой-Фарғона-Хавас-Дизак; Фарғона-Бунжикат (Ўратепа)-Зомин-Дизак бўйича ҳаракатланган. VI асрда ташкил топган Уструшона давлати тасарруфидаги ерларда (Ғаллаоролдан Исфарагача) айниқса қалъа-работлар қурилишига катта аҳамият берган ва бундай қалъа-работлар сони бу ўлкада 400 дан зиёд бўлган. Шунинг учун ҳам ўрта аср муаллифлари Уструшонани «қалъа-работлари» деб бежиз айтишмаган.

Аждодларимизнинг машаққатли меҳнати эвазига ҳозирги Жиззах шаҳри ва унга туташ ҳудуд атрофларида обод суғорма деҳқончилик воҳалари вужудга келтирилган. Бундай иқтисодий ва маънавий-маданий бой ўлкага қўшни минтақаларда яшовчи халқлар вақти-вақти билан тажовуз қилиб тургани тарихдан маълум.

Ўлкани ҳимоя қилиш мақсадида ота-боболаримиз томонидан турли мудофаа истехкомлари, кўрғонлар ва деворлар қурилган. Ана шундай мудофаа иншоотларидан бири «Кампирдевор»дир. 1955 йил кузида Бухоро воҳаси атрофидаги Кампирдевор харобаларини текшириб Тошкентга қайтаётган Моҳандарё археология экспедициясининг бошлиғи академик Я.Ғ. Ғуломов Жиззах воҳасида ҳам Кампирдевор қолдиқлари мавжудлигини аниқлайди. Экспедиция раҳбарининг топшириғига биноан 1957 йил баҳорида Ҳ. Муҳамедов Жиззах воҳасидаги Кампирдевор харобаларини текшириб ўрганган эди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, Жиззахнинг жанубий-шарқ томонидаги Сийпанчиктепа (Олмачи маҳалласидаги ҳарбий қисм олдида жойлашган) номли V-VIII асрларга оид турар жой маконидан бошланиб, Равот ҳудудидаги Қўрғонтепага қадар қарийб 20 км. масофада девор ҳаробалари анча яхши сақлангани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сон Қарори [11] қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг таклифига биноан Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати тасдиқланди. Мазкур миллий рўйхатда Жиззах вилояти бўйича 427 та маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари сонига аниқлик киритилган. Уларнинг таснифи қуйидаги жадвалда ишлаб чиқилди.

1-жадвал.

Жиззах вилояти бўйича маданий меросларнинг таснифи

№	Ҳудуди	Археология ёдгорликлари	Архитектура ёдгорликлари	Монументал санъат ёдгорликлари	Жами
1	Жиззах шаҳар	9	13	9	31
2	Ш.Рашидов тумани	40	4	7	51
3	Зомин тумани	73	33	3	109
4	Фориш тумани	15	15	4	34
5	Зарбдор тумани	11	3	8	22
6	Ғаллаорол тумани	47	9	14	70
7	Янгиобод тумани	18	11	1	30
8	Бахмал тумани	55	11	2	68
9	Мирзачўл тумани	1		4	5
10	Арнасой тумани			1	1
11	Дўстлик тумани			3	3
12	Пахтакор тумани			3	3
Жами		269	99	59	427

Маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари археология ёдгорликлари мил. авв. XII асрлардан то XX аср бошларигача, архитектура ёдгорликлари IX асрдан ва XX асрларгача, монументал санъат ёдгорликлари XX аср охиридан ва 2017 йилгача бўлган даврга оидлиги ҳамда Жиззах вилояти бўйича 33 та Номсизтепа номи билан рўйхатга олинган маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари мавжудлиги аниқланди.

Умуман олганда, Жиззах вилояти Ўзбекистон Республикасининг марказий қисмида жойлашган ўзига хос тарихга эга, улкан сиёсий, иқтисодий, маънавий мавқега эга бўлган, фан, маданият, туризм раванқ топган вилоятлардан биридир. Жиззах – узоқ йиллик тарихга, ўзига хос маданиятга эга юрт. Жиззах вилояти тарихининг жуда бойлиги ва ўзига хослиги, шунинг билан бирга, замонавий тараққиёт имкониятлари кенглигидан келиб чиқиб, халқаро ташкилотлар ва хорижлик сайёҳларни оҳанрабодек ўзига тортиб келмоқда.

4. Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

Тарихдан маълумки, Жиззах вилоятида ҳам кўплаб қадимги тарихий-маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, соҳа олимлари томонидан атрофлича ўрганилган. Улар орасида жаҳон цивилизациясида ўзига хос ўринга эга бўлган тарихий-маданий ёдгорликлар муҳим аҳамият касб этади.

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга оид қонун ва қарорлар бўлишига қарамай, айрим жойларда маданий мерос объектларига тегишли ерларнинг

хусусийлаштирилиши оқибатида ёдгорликлар зарар кўраётганлиги ҳамда ёдгорликларнинг аксарият қисми консервация ва реставрацияга муҳтожлиги, Жиззах вилояти тарихий-маданий ёдгорликларни тиклаш, таъмирлаш ва муҳофазалашда маблағлар етишмовчилиги аниқланди.

Жамият ривожланиши натижасида рўй бераётган техноген жараёнлар хусусан, шаҳарларнинг кенгайиши, қурилиш майдонларининг ортиши, кўп қаватли уйларнинг қурилиши, биноларнинг кўпайиб бориши ёдгорликларда ўзгариш ва емирилишига сабаб бўлган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 29. (Mirziyoev Sh.M. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. – Tashkent: «Uzbekistan», 2017. – P. 29.)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон Фармони (Decree No. PF-5781 dated August 13, 2019 of the President of the Republic of Uzbekistan «On measures to further develop the tourism sector in the Republic of Uzbekistan»)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4730-сон қарори (Decision PQ-4730 of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 26, 2020 «On measures to improve the activities of the Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan»)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 22, 2018 No. PF-5308)
5. Ўз Р ФА Академик Я.Ғуломов номли Археология институти архиви. 6-фонд, 1-рўйхат, 7-йиғмажилд. 1-31-варақлар (Archive of the Institute of Archeology named after Academician Ya. Ghulomov of the Russian Federation. Fund 6, list 1, collection 7. Sheets 1-31).
6. Сверчков Л.М. Крепость мык. Ташкент, 2014. 26 с. (Sverchkov L.M. Myk fortress. Tashkent, 2014. 26 p.)
7. Сверчков Л.М. Археологические памятники горного замина. – Ташкент, 2013. 48 с. (Sverchkov L.M. Archaeological monuments of the mountain zaamin. – Tashkent, 2013. 48 p.)
8. Грицина А.А. Эски Заамин / Древний Заамин. – Ташкент, 1994. (Gritsina A.A. Eski Zaamin / Ancient Zaamin. 1994.)
9. Грицина А.А. Археологические исследования в бассейне Пшагарсая. Вып. 36. – Ташкент, 2008. (Gritsina A.A. Archaeological research in the Pshagarsay basin. Issue. 36. – Tashkent, 2008.)
10. Грицина А.А., Сверчков Л.М. Археологические исследования в Сырдарьинской области. 1990. Вып. 23. (Gritsina A.A., Sverchkov L.M. Archaeological research in the Syrdarya region. 1990. Issue. 23.)
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сон «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги Қарори (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated October 4, 2019 No. 846 «On approval of the national list of immovable property objects of tangible cultural heritage».)

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000